# БУГУНГИ АБИТУРИЕНТ —

## ТАЛАБАЛИККА ТАЛАБГОРЛАР, СИЗЛАР УЧУН!

*Аввал хабар қилганимиздек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази томонидан «1996 йил ўқув юртларига тест синовларини ўтказиш учун меъёрий ва йўл-йўриқ ҳужжатлари» тайёрланди. Мазкур ҳужжатларнинг абитуриентлар учун зарур қисмларини газетамизда чоп этишни лозим топдик. Зеро, талабаликка талабгор бўлган барча ука ва сингилларимиз аввало тест синовидан ўтиш шартлари ва қоидалари билан танишиб олишлари зарурдир. Қолаверса, қабул комиссияларининг маъсул котиблари ҳам мазкур ҳужжатларни яна бир бор пухта ўрганиб чиқсалар, албатта фойдадан ҳоли бўлмас.*

**ҲУРМАТЛИ АБИТУРИЕНТ**

Тест синовидан ўтиш шартлари ва қоидалари билан танишинг.

Сизга тест синовларига кириш учун Рухсатнома ва Титул варақаси тест синовлари ўтказилишига 3 кун қолганда берилади.

Сиз қатнашадиган гуруҳ ва аудитория номери тест синовлари ўтказилишидан 2 кун аввал эълонлар тахтасига илиб қўйилади.

Тест синовлари вақтида сизга жавоблар варақаси берилади, уни кўк (ҳаворанг) пастали шарикли ручка билан тўлдиришингиз керак. Сиз тўлдирган шу жавоблар варақаси билимингизни баҳолаш учун асосий ҳужжат ҳисобланади.

Варақани тўлдиришда хатога йўл қўйманг!

Жавоблар варақаси билан биргаликда сиз саволлар китобчасини ҳам оласиз. Жавоблар варақасида белгиланган вариант сизга тушган савол китобчасининг вариантига албатта мос тушиши шарт. Акс ҳолда ЭҲМ (электрон ҳисоблаш машинаси) берган жавобларингизни инкор қилиб, сизга 0 балл белгилайди ва сиз тест синовларидан ўтмаган ҳисобланасиз.

Жавоб варақалари оптик ўқув қурилмалари орқали ўқилади ва компьютерга киритилади, шунинг учун қуйида келтирилган шартларни бажаришингиз ниҳоятда муҳимдир:

— жавоблар варақасида ёзилган кўрсатмаларни тўлиқ ўрганиб чиқиб уни картон қоғоз устига қўйгандан сўнг варақани тўлдиришни бошланг;

— жавоб доирачаларини осойишталик билан тўлдиринг, доирача чегарасидан чиқиб кетманг, оч бўяб қўйманг;

— бўяётганда эҳтиёт бўлинг, барча доирачалар бир текисда (хиралиги бир хил бўлиши) бажарилиши лозим, варақ йиртилиб ёки тешилиб кетмасин;

— варақни бukламанг, четларини қайирманг ва ҳар хил белгилар қўйманг;

— жавобларни тўлдираётганда саволлар блокларини адаштириб юборманг;

— жавоб варақангизни бошқа абитуриентларга кўрсатманг.

**ТЕСТ СИНОВЛАРИ ВАҚТИДА АБИТУРИЕНТЛАРГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР.**

1. Тест ўтказиладиган куни абитуриентлар институт биносига ва аудиторияларга Рухсатнома, Паспорт, Титул варағини кўрсатганларидан кейин қўйилади.

2. Абитуриент ёнида кўк (ҳаворанг) пастали шарикли ручка бўлиши шарт. Чунки жавоблар варақасига, саволлар китобчаси, Титул варағи ва Рухсатномадаги барча ёзувлар ва бўяшлар кўк пастали шарикли ручка билан бажарилади.

3. Тест бошланиши олдидан абитуриент ўз жавоб варақасининг номерини Титул варағига ва Рухсатномага кўчириб ёзади.

4. Тест синовлари пайтида абитуриентнинг қандай сабаб бўлишидан қатъи назар аудиториядан чиқиши таъқиқланади. Аудиториядан чиққанлар қайтадан тест синовларига қўйилмайди.

5. Тест синовлари чоғида аудиторияда синовни ташкил қилувчи шахсларга савол беришга рухсат берилмайди.

6. Тест синовлари давомида абитуриентларнинг бир-бирлари билан гаплашиши, жавобларни бериши, тест материалларини узатиши, ортиқча ручка сўраши ва бошқалар таъқиқланади.

7. Тест чоғида ҳисоблаш линейкаси, микрокалькулятор, луғат, жадвал, ёзув китобчаларидан фойдаланиш таъқиқланади.

8. Тест ҳужжатларидан нусха кўчириш ва бунда бошқаларга кўмаклашиш таъқиқланади.

Диққат! 6-, 7-, 8—бандларга риоя қилмаган ва синов чоғида интизомни бузган абитуриентлар учун белгиланган намунада далолатнома тўлдирилади, улардан тест материаллари олиб қўйилади ва аудиториядан чиқариб юборилади.

9. Абитуриент, аввало, Саволлар китобчасида тўғри деб ҳисоблаган жавобларни белгилайди ва шундан кейин Жавоблар варақасидаги саволларга мос келадиган доирачаларни бўяйди. Бунинг учун тестга ажратилган вақтдан ташқари яна 20 дақиқа вақт берилади.

Ёнингиздан чиқарманг. Жавоблар варақаси абитуриент баллари йиғиндиси аниқланадиган ягона ҳужжатдир.

10. Тест саволларига жавоб танлашни ва жавоблар варақасида белгилашни ажратилган вақтдан илгари тугатган абитуриент, тест материаллари учун ажратилган столнинг ёнига келиб, саволлар китобчасини қутичага, жавоблар варақаси ва титул варақасини эса унинг ёнига қўйиб, гуруҳ қайдномасидаги фамилиясининг тўғрисига топширилган вақтини кўрсатиб имзо чекади.

11. Тест синовлари учун ажратилган вақт тугагач, аудитория раҳбари тест синовларининг тугаганлигини эълон қилади, абитуриентлар бир вақтнинг ўзида ўринларидан туришади, тартиб билан кейинги парталардан бошлаб тест материаллари учун ажратилган столнинг ёнига келишади, саволлар китобчасини қутичага, жавоблар варақаси ва титул варақасини эса унинг ёнига қўйиб, гуруҳ қайдномасидаги фамилияларнинг тўғрисига топширилган вақтни кўрсатиб имзо чекишади.

12. Тест синовлари тугагандан сўнг абитуриент Рухсатнома ва паспортини олиб аудиториядан чиқади.

(Давоми 3-бетда)

*«Ўзбекистон - келажаги буюк давлат» деган шиор эндиликда оддий ва ҳаётий, ўзбекона ҳикматга айланиб қолди. Қулоқлар ўрганиб қолди бу сўзларга. Кўзлар ўрганиб қолди бу сўзларга. Дилдан ўз-ўзидан, худди шаффоф булоқ сувлари каби тошиб-жўшиб отилиб чиқадиган бўлиб қолди.*

*Вазирлар Маҳкамасининг «1996 /97 ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртларига қабул қилиш тўғрисида»ги қарори тафаккур уммонимизга ажиб бир дарё бўлиб қуйилганини ҳам ана шу туйғулар силсиласидан изламоқ жоиз туюлади.*

*Не ажабки, бу йил олий ўқув юртларига неча киши қабул қилиниши хусусидаги рақамларнигина кутаётганимиз бир пайтда, таълим тизими мазмунига талай ўзгартиришлар киритишни тақозо этувчи қарор эълон қилинди.*

*Шу муносабат билан биз Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги олий ўқув юртлари Бош бошқармаси бошлиғи Фатхулла Рахматович ИСМАТУЛЛАЕВга бир неча саволлар билан мурожаат қилдик.*

*«Туркистон» шарҳи*

## УМИДЛАР ПОЙДЕВОРИ

**— Қарор 1996/97 ўқув йилидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртларида ўқитиш учун 23 минг давлат грантлари белгилансин, деган сўзлар билан бошланади. Грант, бу содда қилиб айтганда, олий ўқув юртлари учун берилган ўринлардир. Энди айтингчи, бу кўпми ёки камми?**

— Ҳар бир масала қайси томондан ёндошишга қараб ўз ечимини топади. Бу ерда ҳам шундай. Барча ўрта маълумотли, барча олий маълумотли бўлиши шарт, деган баландпарвоз шиорлар ҳукм сурган замонлар ўтиб кетди. Аслида ҳамма нарса эҳтиёждан, талабдан келиб чиқиши керак. Қолаверса, олий ўқув юртларида фақат иқтидорли йигит-қизлар таҳсил олиши лозим. Ҳамма гап ана шу мақсадга қандай эришишда. Давлат тест марказининг ташкил қилиниши, талабаларни тест натижасида тўпланган балларни ҳисобга олган ҳолда, рейтинг тизими бўйича қабул қилишнинг йўлга қўйилганлиги бу йўналишда ташланган муҳим қадамлардир. Вазирлар Маҳкамасининг ушбу қарори шу маънода оёқлар гуррос тушаётган йўлдаги ўнгирларни текислаб қўйишдек таъсир этди бизга. Гап шундаки, бу қарор билан нафақат жорий йил қабул режаси ва йўналишлари, балки узоқ йилларга мўлжалланган режа ва йўналишлар ҳам мустаҳкамлаб берилди.

23 минг талаба, бу бир қарашда кичик рақамдек туюлсада, аслида бу рақамлар замирида келажакка ташланган ўткир зеҳнли ва салоҳиятли бутун бир авлод ёшларининг орзу-умидлари, шиддат ва иштиёқлари мужассамдир. Қолаверса, 1996-97 ўқув йили учун мўлжалланган давлат грантлари ўтган йилдагидан анча кўп. Ўтган йили жами 22 минг 250 давлат грантлари белгиланган бўлиб, унинг ҳам 80 фоизигина давлат бюджетидан эди. Бу йил тасдиқланган 23 минг давлат грантларининг ҳаммаси учун тўловлар давлат томонидан амалга оширилади, бундан ташқари, олий ўқув юртларига грантлар умумий сонининг 20 фоизи доирасида устивор ва танқис мутахассисликлар бўйича пулли-контракт асосида, юридик ва жисмоний шахсларнинг буюртмаларига мувофиқ қўшимча равишда қабул қилишни амалга оширишга рухсат берилди.

**— Қарорда киши диққатини ўзига тортадиган жиҳатлардан бири, бу янги ўқув йилидан бошлаб олий ўқув юртларига эга бўлган вазирликлар ва идоралар ўзларига қарашли мазкур илм ўчоқлари ҳузурида учтадан қўшма умумтаълим мактаблари - битта бизнес мактаби, битта ихтисослаштирилган лицей, битта гимназия ташкил этишлари тавсия этилганлигидир. Беихтиёр савол туғилади: уларни битириб чиққан йигит-қизларга олий ўқув юртига киришда имтиёз бериладими?**

— Шубҳасиз, ушбу мактаб, лицей ва гимназияларни битирган ўқувчилар имтиёзга эга бўлишади. Бу имтиёзни мен уларга берилган пухта билимда кўрмоқдаман. Малакали ўқитувчилар ва яхши шароит охир-оқибатда ўз натижасини бермай иложи йўқ. Лекин бу бошқа, бундай имкониятлардан четда қолган умумтаълим мактаблари битирувчиларига ўқишга кириш оғир бўлар экан-да, деган маънони англатмайди. Ҳаммаси одамнинг ўзига боғлиқ. Астойдил ўқиган, билим олишни ўз келажагини таъминлаш учун восита деб билган ёшлар ҳеч нарсадан қўрқмасликлари мумкин. Чунки олий ўқув юртига қабул, абитуриент бунгача қаерни битирганлигига қараб эмас, балки синовларда тўпланган балга қараб амалга оширилади. Шу боис ҳам мен барча ёшларни сидқидилдан билим эгаллашга даъват этаман. Ҳаракат ҳеч қачон оқибатсиз қолмайди.

**— Ўқитишнинг кундузги шакли бўйича бир ўқитувчига тўққиз талаба қилиб белгиланишини ҳам шарҳлаб берсангиз. Сизнингча, бу ўқитиш савиясига қандай таъсир этади?**

- Рақамларнинг кучини инкор этмаган ҳолда шуни айтишим лозимки, ўқитиш савияси яхшиланса яхшиланадики, асло ёмонлашмайди. Нега шундай деб ишонч билдираётганимни тушунтиришга ҳаракат қиламан. Биринчидан, ўқитувчи-профессор таркибида соғлом рақобот пайдо бўлади, бу эса уларнинг ўз устида тинимсиз ишлашларини тақозо этади. Иккинчидан, қарорда ўқитувчилар ва талабалар нисбати нормативларининг ўзгаришидан қатъи назар, иш ҳақи фонди ҳозирги миқдорда қолдирилаётирки, бу юқори малакали ходимлар меҳнатини рағбатлантиришга, ҳатто юксак малакали ўқитувчилар маошини икки бараварга оширишга имкон беради.

Қолаверса, бўш қолаётган ўқитувчилардан олий ўқув юртлари ҳузурида ташкил этиладиган коллежларда, гимназияларда, мактабларда, лицейларда, шунингдек, умумтаълим муассасаларда фойдаланиш тавсия этилади. Бир сўз билан айтганда, мен мазкур қарорни шундай тушунаман, мамлакат юқори савияли мутахассисларга муҳтож ва давлат уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга тайёр. Улардан эса фақат бир нарса — ўқиш ва яна ўқиш талаб қилинади. Йиллар ва бугун олий ўқув юртлари дарсхоналари, лабораториялари ва тажриба майдонларида фаолият кўрсатаётган талабалар бу талабларга муносиб билимдон авлод вояга етаётганини кўрсатаётир. Бундан буён ҳам шундай бўлишига шубҳа йўқ.

**Суҳбатдош: Муҳаммад ЗАЙНИДДИН.**

## АВВАЛ ИҚТИСОД, СЎНГ...

Республикамизнинг мустақилликка эришиши халқимизнинг асрий орзусининг ушалиши бўлди. Эндиги вазифа шу мустақилликни мустаҳкамлаш ва республикамизни жаҳондаги ривожланган мамлакатлар қаторига кўтаришдир.

Давлатимиз келажагини буюк қиладиган, унинг ижтимоий фаровонлигини таъминлайдиган, маърифатли бозор иқтисодиёти йўлига ўтишда режали қадам қўйишимиз керак.

Бунда биз ўз тарихий имкониятларимиз асосида ва ўз қонун-қоидаларимизга суянган ҳолда бозор иқтисодиётининг ҳаракатлантирувчи кучи бўлган ёш мутахассислар, тадбиркор, ишбилармон ва бизнесменларни тарбиялаб етиштиришимиз зарур бўлади.

Бухоро тижорат коллежи айнан шу руҳда бўлажак муҳосиблар, иқтисодчилар, солиқчи банк ходимлари, тижоратчи, менеджерларни тайёрламоқда.

Коллежда етук мутахассисларни тайёрлаш учун барча шарт-шароитлар муҳайё. 43 та фан хонаси, 6 та лаборатория, амалиёт хонаси, йиғингоҳ, кутубхона, 240 ўринли ошхона, спорт зали мавжуд. Коллеж ҳудудида 4 қаватли 400 ўринга мослашган, 168 хонадан иборат ётоқхона мавжуд.

Ҳозирги вақтда мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг асосий мақсади ижтимоий жиҳатдан йўналтирилган бозорни яратишдан иборат. Шунинг учун тайёрланаётган мутахассислар шу кундаги барча илғор жаҳон намуналари талабларига жавоб берадиган бўлиши керак.

Шу билан бирга бизга маълумки, иқтисодиётнинг ривожланиши билан бирга корхона ва ташкилотлар компьютерларга янада кучли талаб сезадилар. Бугунги кунда халқ хўжалигининг барча жабҳаларини компьютерсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Ҳар бир иқтисодий соҳада ишловчи мутахассис компьютерларни эркин бошқара билиши керак.

Бу соҳада коллеж жамоаси томонидан анча самарали ишлар амалга оширилмоқда. Коллежда кичик ҳисоблаш маркази ташкил қилинган бўлиб, у замонавий 386, 486 компьютерлари билан жиҳозлангандир. Шунингдек, Роботрон, Нейрон ва компьютерлар синфи бор. «Информатика асослари ва ҳисоблаш техникаси», «Банк маълумотларини компьютерларда сақлаш», «Иқтисодий информатика», «ЭҲМ ва дастурлаш» фанларидан амалий машғулотлар компьютерлар синфида ўтказилади.

XXI аср бекорга янгиликлар, аниқроғи янги технологиялар асри дейилмайди. Зотан, мамлакатнинг иқтисодий тараққиёти унинг саноати билан белгиланса, саноат тараққиёти юксак технологиялар билан белгиланади. Шунингдек, биз яшаб, меҳнат қилаётган давр хусусий ишлаб чиқариш, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш давридир. Бу эса ўз ўзидан ҳар бир кишидан ишбилармонликни ва тадбиркорликни талаб этади.

Мен коллеж ўқитувчилар гуруҳининг бир вакили сифатида ана шу мақсадларни ўз олдиларига қўйган ёшларни бизнинг тижорат коллежига ўқишга киришга даъват этаман. Бизнинг ўқувчилар келажакнинг тадбиркорлари, банк соҳаси мутахассислари, иқтисодчилари, менежерлари бўлишига ишонтираман.

**Саодат РАЖАБОВА, Бухоро тижорат коллежи директори ўринбосари.**







*Дил тубидаги сўзлар*

### НИЯТИНГИЗГА ЕТИНГ

Ҳаёт баъзан инсон тафаккурини шундай таассуротлар билан безайди-ки, улар умрнинг унутилмас лаҳзаларига айланиб қолади.

Мен мактабда ўқиб юрган кезларимдаёқ адабиётга жуда ҳавас қўйгандим. Аллақачон кўпчиликнинг кўнглидан жой олиб улгурган Абдулла Орипов, Ойдин Ҳожиева, Тоҳир Малик, Ўлмас Умарбеков каби шоир ва ёзувчиларнинг асарларини севиб ўқирдим. Ўйлашимча, адабиётга нисбатан бу қизиқишим кейинроқ мени журналистика факультетига бошлаб келган бўлса, ажаб эмас.

1993 йил мустақил Ўзбекистонимиз олий ўқув юртларида биринчи марта тест асосида имтиҳон топшириш йўлга қўйилганди. Мен ҳам барча абитуриентлар қатори кириш имтиҳонларини тест асосида топшириб, дорилфунун талабаси бўлиш бахтига муяссар бўлдим. Ўшандаги қувончимни ҳозир сўз билан ифода этолмайман.

Бугун ишонч билан айтиш мумкинки, тест синовлари кўп жиҳатдан мукаммал ва пухта ўйланган экан. Мен фурсатдан фойдаланиб, олий ва махсус билим юртларига ҳужжат топшираётган сингилжонларим ва укажонларимнинг келажакда ўзлари хоҳлаган касб эгалари бўлиб етишишларига, илм-фан чўққиларини забт этиб, беқиёс Ватанимизнинг гуллаб-яшнашига ўз ҳиссаларини қўшишларига тилакдошман.

**Саодат МЕЙЛИЕВА, ТошДУ талабаси.**

## ОРЗУ ЧЎҚҚИЛАРИ СИЗГА БОШ ЭГСИН!

Қиру адирлар оша Тошкенту азим томон йўл олар эканман, фикру зикрим фақат битта нарсада: яъни ўқишга кира оламанми, энг асосийси ота-онамни, маҳалладошларни менга бўлган ишончини оқлай оламанми?.. Ҳа, бу «ширин» изтироблар бугунги кунда ҳар бир абитуриентнинг хаёлларини қамраб олган. Уларнинг ҳаяжони юз-кўзларидан кўриниб турибди. Қалбларидаги иккиланиш, ички туғёнлари имтиҳон соатлари яқинлашган сайин янада кучаймоқда. Ўз ақлий салоҳиятига, билимига ишонган йигит ва қизлар бугун талаба бўлишга даъвогар. Лекин улар талаба бўла оладиларми?! Бу энди уларнинг саъй-ҳаракатлари, билим, иқтидорларига боғлиқ. Қолаверса омадларига ҳам. Республикамизда тест синовлари жорий этилганидан бери синов вақтларида бўладиган ортиқча гап-сўзларга чек қўйилди. Энди танишбилиши зўр эмас, билими зўр киради ўқишга. Биз бу йил ўқишга кирувчи абитуриентларга қандай имкониятлар яратилгани ва уларнинг кайфиятлари билан танишиш мақсадида ТошДДда бўлиб, ҳужжат топшираётган ёшлар билан суҳбатлашдик. Биринчи суҳбатдошимиз янгийўллик Муҳайё Қирғизбоева бўлди.

**— Қайси куллиётга ҳужжат топширмоқчисиз?**

— Роман-герман тиллари куллиётига.

**— Нима учун энди айнан шу куллиётни танладингиз?**

— Биринчидан тил ўрганишга қизиқаман, иккинчидан немис тилини яхши биламан.

**— Кечаги кун талабалари билан бугунги кун талабалари ўртасида кескин фарқ бор. Демоқчимизки, олдин ўқиганлар ҳомийлик қилишни таъминлашни уйдагилар бурчи деб билишарди. Бугунгилар, аксинча. Талабаликнинг моддий томонини кўзда тутаяпмиз...**

— Тушундим. Оилада тўртинчи фарзандман. Мендан олдин ҳеч қайсиси ўқишмаган. Ҳархолда бир ўзимни таъминлашар...

**— Қандай орзуларингиз бор, қаерда ишламоқчисиз?**

— Энг катта орзуим чет тилларини яхши ўрганиб давлатимизга, ўз халқимга хизмат қилиш.





**— Қабул комиссиясида абитуриентларга яратилган шарт-шароитлардан кўнглингиз тўлдими?**

— Жуда яхши. Лекин одамларнинг кўплиги, уёқдан бу ёққа ўтиб қайтавериши озроқ бошимни оғритаяпти. Хўп майли, менга рухсат, узр.

**— Сизга омад тилаймиз.**

***

— Ҳар бир ҳужжат топширишга келаётган талабани олдин суҳбатдан ўтказамиз. Яъни шу касбга қизиқадими, шахсий дунёқараши, фикрлаши қандай, куллиётимиз моҳиятини тушунтириб, кейин ҳужжатларини қабул қилаяпмиз. Зеро, бугунги кунга етук кадрлар керак, — дейди ҳуқуқшунослик бўлими ходими Комилжон Шойимов.

***

Навбатдаги суҳбатдошимиз Тошкентлик Мансур Ваҳобов.

**— Қайси куллиётга ҳужжат топширдингиз?**

— Ҳуқуқшунослик бўлимига.

**— Ушбу бўлимга киришингиздан мақсад нима?**

— Мен ҳам Ўзбекистоннинг мустақиллигини мустаҳкамлашга ўз ҳиссамни қўшсам дейман. Ёш давлатимизнинг суверенитетини мустаҳкамлаш, ҳимоя қилиш биз ёшларнинг бугун ва эртанги тарих, қолаверса халқ олдидаги бурчимиз деб биламан.

***

Биз қабул ҳайъатида ота-оналарни ҳам учратдик.

— Мен Камолов Тўлқин, Қашқадарёданман. Қизимни олиб келдим. Бош фарзандимиз. Ёшлигида ният қилгандик. Исми Гулруҳ.

**— Қайси куллиётга ҳужжат топширдингиз?**

— Филологияга — она-тили ва адабиёт бўлимига. Ёшликдан адабиётга, шеъриятга қизиқаман, — дея суҳбатга қўшилди Гулруҳ.

**— Агар кириб кетсангиз, келгусида қаерда ишламоқчисиз?**

— Қишлоқда. Мактабимизда ўқитувчи бўлиб ишламоқчиман.

**— Ўқитувчиликни оғир касб дейишади... Айниқса, ҳозир қишлоқ мактабидаги айрим ўқитувчилар бошқа касбларга ўтиб кетишмоқда...**

— Ўз касбига хиёнат қилганлар, дегим келади уларни. Биламан, баъзилари савдо билан шуғулланишяпти. Лекин ишонаманки, бир куни қайтиб келишади, мактабга.

**— Савдо балки ўқитувчиликдан кўра фойдалироқдир.**

— Лекин сабр-қаноат қилса ҳар касбнинг қут-баракасини беради худойим. Энг ёмони қишлоғимиздаги мактабга ўқитувчи етишмаяпти. Агар кириб кетганимда эди...

Ҳужжат топшириш учун абитуриентлар энг гавжум бўлган куллиёт билан қизиқдик. Улар бўлғуси иқтисодчилар экан.

**— Ўзингизни таништирсангиз.**

— Бахтиёр Очилов, Тошкент вилоятиданман.

**— Иқтисодчи бўлмоқчи экансиз-да?**

— Ҳа, ҳаммага маълум бугунги кунда иқтисод ҳаётимизда биринчи ўринга чиқиб қолди. Зеро, ҳар қандай ривожланишнинг мезони иқтисоддир. Мақсадим озод Ватанимиз иқтисодини кўтаришда ўз ҳиссамни қўшиш.

**— Ниятингиз ёр бўлсин.**

***

Иқтисод куллиёти ходими Олимжон Қулматовнинг айтишига қараганда бу йил ўтган йилгига нисбатан иқтисодчи бўлишни истовчилар сони кескин ошган.

***

Биз ким билан суҳбатлашмайлик уларнинг кўзларида олам-олам умидни кўрдик. Улар ҳаммаси талаба бўлишга, олий маълумот олиб, озод диёримиз тараққиёти йўлида сидқидилдан хизмат қилишга бел боғлаганлар. Биз уларга орзуларнинг юксак чўққиларини забт этишларига тилакдошмиз.

Орзу чўққилари сизга бош эгсин, азиз абитуриентлар!

**Зарафшон ҚАЛАНДАРОВА, Абдуғаффор ОМОНБОЕВ, Тошкент Давлат дорилфунуни Халқаро журналистика бўлими талабалари**

